

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЙИМБЕРДИЕВ СУХРОБ АБДУХАЛИЛ ЎҒЛИ

**ТУРЛИ ПАТОЛОГИК ҲОЛАТЛАРДА БУЙРАК УСТИ БЕЗЛАРИНИНГ
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.24 - Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Райимбердиев Сухроб Абдухалил ўғли

Турли патологик ҳолатларда буйрак
усти безларининг морфофункционал
ҳолатини суд-тиббий баҳолаш 3

Райимбердиев Сухроб Абдухалил ўғли

Судебно-медицинская оценка
морфофункционального состояния
надпочечников при разных видах
патологических состояний 23

Райимбердиев Сухроб Абдухалил ўғли

Forensic Evaluation of the Morphofunctional
State of the Adrenal Glands under
Various Pathological Conditions 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЙИМБЕРДИЕВ СУҲРОБ АБДУХАЛИЛ ЎҒЛИ

**ТУРЛИ ПАТОЛОГИК ҲОЛАТЛАРДА БУЙРАК УСТИ БЕЗЛАРИНИНГ
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.24 - Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4664 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бахриев Ибрагим Исомадинович

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Исламов Шавкат Эржигитович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қўзиев Отабек Жўрақулович

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон

миллий тиббиёт университети

(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бош мия жароҳатларида (БМЖ) адаптив-компенсатор механизмларнинг функционал ҳолатини ўрганиш замонавий нейротиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра, 2022 йилда 100 минг аҳолига ўртача 515 та жароҳат ҳолати тўғри келган бўлиб, БМЖ учраш частотаси йилига тахминан 2% га ортиб бормоқда. Бундай динамика саноат ва йўл-транспорт шикастланишларининг кўпайиши билан боғлиқ. Қурбон бўлганлар асосан меҳнатга лаёқатли ёш инсонлар бўлиб, уларнинг деярли учдан бир қисми ногиронлигича қолмоқда. «...БМЖ ўлим даражасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, бу барча травматик жароҳатларнинг 40-55%ни ташкил қилади...».¹ Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг юқори ижтимоий аҳамияти, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўлим кўрсаткичлари таркибида салмоқли улушга эгаллиги ҳамда морфологик жиҳатдан аниқ характерли белгиларнинг кўп ҳолларда мавжуд эмаслиги ушбу ўлим турини суд-тиббий баҳолашни мураккаблаштиради. Шунга қарамай, сўнгги йилларда танатогенезнинг структуравий ва функционал асосларини ўрганишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, уларнинг амалий эксперт амалиётига жорий этилиши чекланган. Бу ҳолат асосан қўлланиладиган услубларнинг юқори ресурс талабчанлиги, кенг қамровли қўшимча тадқиқотлар зарурати ва лаборатория таҳлилларининг қимматлиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан, ўзини осиб қўйиш билан якунланган суицид ҳолатларида турли танатоген омиллар таъсирида буйрак усти безларида шаклланидиган морфо-функционал ўзгаришлар қонуниятларини чуқурроқ ўрганиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда эндокрин тизим аъзоларининг турли хил патологик омиллар таъсирида юзага келадиган шикастланиш механизмлари ва структуравий ўзгаришларини ўрганиш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада стресс омилининг салбий таъсири унинг кучига, қўзғатувчининг давомийлиги ёки такрорланишига, шунингдек, ҳаддан ташқари стрессга учраган организмнинг реактивлигига боғлиқлигини аниқлаш, танага стресснинг таъсири маркер-органлар массасининг, стрессга жавоб берадиган гормонлар концентрациясининг ўзгаришини ва инсоннинг умумий жисмоний ҳолатига таъсирини баҳолаш, турли органлар ва тизимларга кенг қўламли гормонал таъсирга эга бўлган эндокрин тизим тананинг атроф-муҳит омиллари таъсирига ва ўзгарувчан ташқи шароитларга мослашиш жараёнларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, экологик омилларни аҳоли саломатлик ҳолатига салбий таъсирини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-

¹ ЖССТнинг «Зўравонлик ва травматизм бўйича ҳисоботи» 2022 йил.

2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, зўраки ўлим ҳолатларида буйрак усти безидаги гистологик ўзгаришларини баҳолаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги фармонлари, 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ-270-сон «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стресс-реакциянинг шаклланишида асосий рол ўйнайдиган эндокрин орган – бу кортизол ишлаб чиқарувчи буйрак усти безининг кортикал қатлами ҳисобланади (Волошин Н.А. ва бқ., 2012; Джанболотов С.Т., 2022; Изатулин А.В., 2013; Мухаметов А.И., 2015; Chrousos G.P., 2009; Emori K. et al., 2016). Буйрак усти безининг гистологик реакциясини ўрганиш унинг кўп қиррали функцияларини инобатга олган ҳолда, стрессга жавоб реакцияси ва ривожланаётган патологияларнинг механизмларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Гистологик ўзгаришларни солиштириш орқали аъзонинг функционал ҳолатини баҳолаш ва уларни ташхислаш мезонлари сифатида қўллаш имконияти мавжуд (Солдатова Т.В., 2011; Филиппова О.В., 2012; Чугунов И.С., 2016; Gannouni N. et al., 2014; Gentile G. et al., 2019). Мослашув тизими аъзоларининг гистологик тузилишини таҳлил қилиш организм даражасидаги компенсатор-адаптив жараёнларнинг самарасизлиги сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Бу, айниқса, адаптация тизимининг марказий бўғини бўлган буйрак усти безларига нисбатан долзарбдир (Абрамова Л.Л. ва бқ., 2013; Алябьева С.Ю. ва бқ., 2015; Niemeyer C.S. et al., 2021; Nishio T. et al., 2023; Ryabukha O., Dronyuk I., 2019). Гистологик ўзгаришлар орқали аъзонинг

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

функционал ҳолатини акс эттирувчи фарқларни аниқлаш уларни ишончли ташхислаш мезонлари сифатида қўллаш имконини беради (Богницкая Т.В., 2016; Громова Т.М., 2013; Матюшенко М.В., 2018; Jasna B. et al., 2013; Maguar-Sumegi Z.D. et al., 2024; Martinez-Jimenez D. et al., 2025).

Ўзбекистонда бош мия жароҳатларининг танатогенезини асослаш (Искандаров А.И., Машарипов А.С., 2019), тугалланган суициднинг суд тиббий масалаларини (Махсумхонов Қ.А., 2023), кўрсатилган тиббий ёрдамни (Гиясов З.А., Исламов Ш.Э., 2019) суд тиббий баҳолашга оид қатор илмий ишлар бажарилган, аммо зўраки ва нозўраки ўлим ҳолатларида буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолатини суд тиббий баҳолаш ва бундай турдаги экспертизаларни ўтказишни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шунга кўра, айрим патологик ҳолатларда (зўраки ва нозўраки ўлим) буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолатини баҳолашнинг суд-тиббий жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар долзарблигини ва зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 005.01.1500216 «Суд тиббий экспертиза объектларини тадқиқ этиш ва эксперт баҳолашнинг айрим янги жиҳатлари» (2020-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли патологик ҳолатларда инсон буйрак усти безларида ривожланадиган морфофункционал ўзгаришларнинг хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли танатоген стрессорлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги) натижасида вужудга келган ўлим ҳолатларида буйрак усти безларининг морфофункционал хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;

бош мия жароҳати ва механик асфиксия, шунингдек, ўткир юрак ишемик касаллиги натижасида ўлим ҳолатларида буйрак усти безларининг морфологик ўзгаришларини ифода этувчи характерли параметрларни баҳолаш;

бош мия жароҳати ва механик асфиксия, шунингдек, юрак ишемик касаллиги натижасида ўлим ҳолатларида буйрак усти безларининг айрим морфометрик параметрларини баҳолаш;

бош мия жароҳати ва механик асфиксиядан, шунингдек, юрак ишемик касаллигидан ўлим ҳолатларининг суд-тиббий ташхисини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида зўраки (БМЖ ва асфиксия) ва нозўраки (юрак ишемик касаллиги) ўлим ҳолатларида буйрак усти безининг морфофункционал хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертиза хулосалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бош мия жароҳати ва механик

асфиксия ҳамда юрак ишемик касаллиги натижасида ўлим ҳолатларида буйрак усти безининг морфогистологик ва морфометрик ўзгаришларини суд-тиббий баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда буйрак усти бези структурасининг морфологик, морфометрик, таҳлилий, қиёсий таққослаш, кенг кўламли фотографик, суд тиббий ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба бош мия жароҳати ва механик асфиксия, шунингдек, юрак ишемик касаллиги натижасида ўлим ҳолатларида буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолати нафақат турли танатоген стрессорларга хос умумий ўзгаришлар, балки муайян танатоген стрессор турига юқори даражада боғлиқ бўлган морфофункционал белгилар мажмуаси билан тавсифланиши исботланган;

бош мия жароҳатларида буйрак усти безларида турли даражадаги дисциркулятор, дистрофик-некротик ва дисрегенератив ўзгаришлар ривожланиши кузатилиши, мазкур ўзгаришлар асосан пўстлоқ қисмининг коптокчали ва тутамли зоналарида намоён бўлиб, паренхима хужайраларининг вакуолизацияси, бўшашиши ва айрим жойларда тўлиқ деструкцияси билан кечиши исботланган;

асфиксиядан ўлим ҳолатларида буйрак усти безининг пўстлоқ ва мағиз қаватларида асосий морфологик ўзгаришлар сифатида кескин тўлақонлик, интерстициал шиш, диапедез қон қуйилишлари, липидли киритмаларнинг кўпайиши, базофил киритмаларнинг камайиши, мултифокал некроз ва катехоламин хужайраларининг гиперплазияси кузатилиши асосланган;

ўткир юрак ишемик касалликларида буйрак усти безида адаптацион стресс синдромини акс эттирувчи гипертрофия ва гиперплазия, эндокрин хужайраларда дистрофик-некротик ўзгаришлар, марказий вена қон томирлари девори мушакларининг гиперплазияси ва артериал томирлар деворининг гиалинози кузатилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари бош мия жароҳати, механик асфиксия ва юрак ишемик касаллиги натижасидаги ўлим ҳолатларида суд-тиббий экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қўлланилган;

бош мия жароҳати, механик асфиксия ва юрак ишемик касаллиги натижасидаги ўлим ҳолатларида буйрак усти безларидаги морфологик ўзгаришларни баҳолаш суд-тиббий экспертлар амалий фаолиятида қўлланиши учун тавсия этилган;

буйрак усти безларидаги морфологик ўзгаришлар ҳамда морфометрик таҳлил натижалари бош мия жароҳати, механик асфиксия ва юрак ишемик касаллиги сабабли содир бўлган ўлим ҳолатларида суд-тиббий эксперт хулосаларининг ишончлилиги ва асослилигини таъминлаган;

бош мия жароҳати, механик асфиксия ва юрак ишемик касаллиги натижасидаги ўлим ҳолатларида ўтказиладиган суд-тиббий экспертизаларни

такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган материаллар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфологик, морфометрик, таҳлилий, қиёсий таққослаш, кенг кўламли фотографик, суд тиббий ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, буйрак усти безларининг морфологик структурасини суд-тиббий баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолати нафақат умумий стресс-реакцияга хос белгилар билан, балки ҳар бир танатоген омилга хос морфологик параметрлар мажмуаси асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да буйрак усти безларининг морфологик ва морфометрик текшириш усуларини қўллаш ва бундай суд тиббий экспертизалар ўтказилишини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли патологик ҳолатларда буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолатини суд-тиббий баҳолашни асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: бош мия жароҳати ва механик асфиксия, шунингдек, юрак ишемик касаллиги натижасида ўлим ҳолатларида буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолати нафақат турли танатоген стрессорларга хос умумий ўзгаришлар, балки муайян танатоген стрессор турига юқори даражада боғлиқ бўлган морфофункционал белгилар мажмуаси билан тавсифланиши исботланганлиги бўйича таклифлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази илмий кенгаши томонидан 2024 йил 29 октябрда 6-сон билан тасдиқланган «Буйрак усти безларининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш орқали айрим зўраки ўлим ҳолатларини суд тиббий ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Тошкент вилояти филиали бўйича 01.11.2024 йилдаги 16-/»I»-сон, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сирдарё филиали бўйича 07.11.2024 йилдаги 23-i/ch-сон ҳамда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиали бўйича 02.11.2024 йилдаги 123/24-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/55-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да буйрак усти безларининг морфологик ўзгаришларини ўрганиш

ташхисотнинг илмий асосланганлигини, бирламчи мурда экспертизаси сифатини ва самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да мурда суд тиббий экспертизасида асосий ички аъзолар билан биргаликда буйрак усти безларининг структуравий ўзгаришларини баҳолаш тартибининг суд тиббиёти амалиёти учун муҳимлиги кўрсатилган ва битта экспертиза ҳисобига 150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: бош мия жароҳатларида буйрак усти безларида турли даражадаги дисциркулятор, дистрофик-некротик ва дисрегенератив ўзгаришлар ривожланиши кузатилиши, мазкур ўзгаришлар асосан пўстлоқ қисмининг коптокчали ва тутамли зоналарида намоён бўлиб, паренхима хужайраларининг вакуолизацияси, бўшашиши ва айрим жойларда тўлиқ деструкцияси билан кечишининг исботланганлиги бўйича таклифлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази илмий кенгаши томонидан 2024 йил 29 октябрда 6-сон билан тасдиқланган «Буйрак усти безларининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш орқали айрим зўраки ўлим ҳолатларини суд тиббий ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Тошкент вилояти филиали бўйича 01.11.2024 йилдаги 16-/»I»-сон, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сирдарё филиали бўйича 07.11.2024 йилдаги 23-i/ch-сон ҳамда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиали бўйича 02.11.2024 йилдаги 123/24-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/55-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да буйрак усти безларининг морфологик ўзгаришларини ўрганиш ташхисотнинг илмий асосланганлигини, бирламчи мурда экспертизаси сифатини ва самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да мурда суд тиббий экспертизасида асосий ички аъзолар билан биргаликда буйрак усти безларининг структуравий ўзгаришларини баҳолаш тартибининг суд тиббиёти амалиёти учун муҳимлиги кўрсатилган ва битта экспертиза ҳисобига 150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: асфиксиядан ўлим ҳолатларида буйрак усти безининг пўстлоқ ва мағиз қаватларида асосий морфологик ўзгаришлар сифатида кескин тўлақонлик, интерстициал шиш, диапедез қон қуйилишлари, липидли киритмаларнинг кўпайиши, базофил киритмаларнинг камайиши, мултифокал некроз ва катехоламин хужайраларининг гиперплазияси кузатилиши асосланганлиги бўйича таклифлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази илмий кенгаши томонидан 2024 йил 29 октябрда 6-сон билан тасдиқланган «Буйрак усти безларининг

морфологик ўзгаришларини баҳолаш орқали айрим зўраки ўлим ҳолатларини суд тиббий ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Тошкент вилояти филиали бўйича 01.11.2024 йилдаги 16-/»I»-сон, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сирдарё филиали бўйича 07.11.2024 йилдаги 23-i/ch-сон ҳамда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиали бўйича 02.11.2024 йилдаги 123/24-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/55-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да буйрак усти безларининг морфологик ўзгаришларини ўрганиш ташхисотнинг илмий асосланганлигини, бирламчи мурда экспертизаси сифатини ва самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да мурда суд тиббий экспертизасида асосий ички аъзолар билан биргаликда буйрак усти безларининг структуравий ўзгаришларини баҳолаш тартибининг суд тиббиёти амалиёти учун муҳимлиги кўрсатилган ва битта экспертиза ҳисобига 150000 сўм бютжет маблағлари иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: ўткир юрак ишемик касаллигида буйрак усти безида адаптацион стресс синдромини акс эттирувчи гипертрофия ва гиперплазия, эндокрин хужайраларда дистрофик-некротик ўзгаришлар, марказий вена қон томирлари девори мушакларининг гиперплазияси ва артериал томирлар деворининг гиалинози кузатилиши исботланганлиги бўйича таклифлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази илмий кенгаши томонидан 2024 йил 29 октябрда 6-сон билан тасдиқланган «Буйрак усти безларининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш орқали айрим зўраки ўлим ҳолатларини суд тиббий ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Тошкент вилояти филиали бўйича 01.11.2024 йилдаги 16-/»I»-сон, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сирдарё филиали бўйича 07.11.2024 йилдаги 23-i/ch-сон ҳамда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиали бўйича 02.11.2024 йилдаги 123/24-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/55-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да буйрак усти безларининг морфологик ўзгаришларини ўрганиш ташхисотнинг илмий асосланганлигини, бирламчи мурда экспертизаси сифатини ва самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* турли патологик ҳолатлар (бош мия жароҳати ва механик асфиксия, юрак ишемик касаллиги)да мурда суд тиббий экспертизасида асосий ички аъзолар билан биргаликда буйрак усти безларининг структуравий ўзгаришларини

баҳолаш тартибининг суд тиббиёти амалиёти учун муҳимлиги кўрсатилган ва битта экспертиза ҳисобига 150000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комициясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Турли патологик ҳолатларда буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолатини суд-тиббий баҳолашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида мавзунинг назарий асослари таҳлил этилган. Хорижий ва маҳаллий манбаларда эълон қилинган тадқиқотлар натижалари тизимлаштирилган ҳамда мавжуд илмий қарашлар қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, буйрак усти безларининг морфофункционал ўзгаришларини турли патологик ҳолатларида клиник-лаборатор текшириш ва суд-тиббий ташхислаш усуллари оид маълумотлар келтирилган. Мавзу доирасида етарлича ўрганилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилувчи жиҳатлари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Буйрак усти безларининг морфофункционал ўзгаришларини суд-тиббий жиҳатдан баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллари ва усуллари батафсил баён этилган. Ишнинг мақсади ва белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 78 та зўраки (БМЖ ва асфиксия) ўлим ва 18 та юрак ишемик касаллиги натижасида ўлим ҳолатларида ҳамда назорат гуруҳи сифатида ўта тез ўлим, яъни ҳаёт учун номутаносиб бўлган жароҳатлар натижасида 6 та ўлим ҳолатлари), шунингдек, 31 нафар шахсий ўтказилган мурдалар суд-тиббий экспертизаларида буйрак усти безининг морфологик хусусиятлари ўрганилди.


Тадқиқот усуллари: гематоксилин ва эозин билан бўяш орқали умумий морфологик тадқиқот; морфометрик текширув.

Статистик таҳлилда тадқиқот кўрсаткичларининг ишончлилик мезони - (t), уларнинг минимал хатоси - (m) кўрсаткичлар орасидаги фарқларнинг ишончлилиги - (p) мезонини аниқлаш вариацион статистика доирасида амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўткир юрак ишемик касалликларида буйрак усти безининг морфологик ўзгаришлари» деб номланади. Буйрак усти бези пўстлоқ қисмининг коптокчали соҳасида эпителий ҳужайраларининг гипертрофияси, тутамли соҳада эса глюкокортикоидлар интенсив синтези натижасида ҳужайра ҳажмининг ошиши ва цитоплазмада оч бўяладиган киритмаларнинг кўпайиши кузатилади (1-расм). Коптокчали соҳада базофил бўялган таначаларнинг кўпайиши алдостерон секрециясининг ошганлигини кўрсатади. Коптокчалар атрофидаги томирларда тўлақонлик аниқланади; ҳужайралар гипертрофияси ортиши билан коптокча тузилмаларининг шакли бузилиб, улар орасида нотўғри конфигурацияли бўшлиқлар ҳосил бўлади (2-расм). Тутамли соҳадаги ўзгаришлар асосан цитоплазмада тўрсимон кўринишдаги липидли киритмалар (глюкокортикоидлар)нинг кўпайиши билан тавсифланади (3-расм). Капилляр тўлақонлиги кучайиши киритмалар ортишига, ҳужайраларнинг кўпиксимон кўринишга келишига ва кейинчалик некрозга олиб келади. Мағиз қисмида катехоламинлар синтез қилувчи базофил ҳужайраларнинг гипертрофияси ва гиперплазияси, шунингдек аденоматоз гиперплазияга хос безсимон тузилмаларнинг пайдо бўлиши кузатилади (4-расм). Марказий вена деворида мушак қатламининг гиперплазияси, артериолаларда эса гиалиноз ривожланади. Жараён сурункали кечган ҳолларда сийрак толали бириктирувчи тўқима ўсиши, ҳужайраларда дистрофик ва некробиотик ўзгаришлар шаклланиб, майда калибрли қон томирлар траекторияси бўйлаб фиброзлашув ривожланади.




1-расм. Буйрак усти бези капсуласи қалинлашган, томирларида нотекис тўлақонлик (1), пўстлоқ қавати коптокчали соҳасидаги базофил бўялган (альдостерон ишлаб чиқарувчи) ҳужайралар аниқланади (2), коптокчали соҳаси қон томирлари кенгайган, тўлақонли кўринишда (3), коптокчалар оралиғида ҳар хил даражада




2-расм. Пўстлоқ қавати коптокчалари цитоплазмасида турли даражадаги базофил бўялган киритмалар (1) аниқланади, капиллярлар тўлақонли кўринишда (2). Бўёқ Г-Э. 40x10.

ривожланган интерстициал шиш (4).
Бўёқ Г-Э. 10x10.




3-расм. Тутамли соҳада йириклашган ва цитоплазмасида ҳар хил катталиқдаги тўрсимон липидли кўринишдаги киритмалар (глюкокортикоид гормонлар) аниқланади (1), айрим ҳужайра ядролари гиперхромли кўринишда (2), капиллярларда тўлақонлик (3) кузатилади. Бўёқ Г-Э. 40x10.




4-расм. Буйрак усти беzi мағиз қавати базифил ҳужайралари гиперхромли (1), беziли структура шаклланган (2). Бўёқ Г-Э. 40x10.

Диссертациянинг «Бош мия жароҳатларида буйрак усти безининг морфологик ўзгаришлари» деб номланган тўртинчи бобида БМЖ фонида буйрак усти безларида дисциркулятор, дистрофик-некротик ва дисрегенератив ўзгаришларнинг шаклланишини кўрсатади. Патоморфологик бузилишлар асосан пўстлоқ қисмининг коптокчали ва тутамли соҳаларида намоён бўлиб, паренхима ҳужайраларида бўшашиш, вакуолизация ва айрим соҳаларда тўлиқ парчаланиш кузатилади. Коптокчали соҳа вакуоляр дистрофия ва некроз туфайли ўзининг типик тузилишини йўқотади; паренхиманинг вакуолизацияси орқали оралик тўқима ва томирлар кенгаяди, шишади ва майда ўчоқли қон қуйилишлар пайдо бўлади (5-расм).



5-расм. Буйрак усти беzi пўстлоқ қаватининг коптокчали зонасида шишнинг кучайиши, регенерация ўчоқларининг шаклланиши. Бўёқ: Г-Э.




6-расм. Коптокчали соҳа, строма шиши, адренокортикоцитлар вакуолизацияси, тутамли соҳа паренхимасида парчаланиш ва қон қўйилиш ўчоқлари.

Х: 10х20.


Бўёқ: Г-Э. Х: 10х20.

Тутамли соҳада адренокортикоцитларнинг тизимли жойлашиши бузилиб, айрим соҳаларда хужайраларнинг тўлиқ парчаланиши ва некрози қайд этилади, айрим жойларда эса гиперхром ядроларга эга регенератив тўпланишлар кузатилади. Томирлар ва бириктирувчи тўқима стромасининг кенгайиши ҳам қайд этилади. Тўрсимон соҳа нисбатан сақланган бўлса-да, қон томирларининг кенгайиши ва строманинг шиши кузатилади (6-расм).

Пўстлоқ қисмида строма ва қон томирларидаги дисциркуляция, шиш ва бириктирувчи тўқима элементларининг пролиферацияси натижасида капсула қалинлашиши аниқланади. Адренокортикоцитларнинг регенератив фаоллиги ошган бўлиб, айрим соҳаларда фаол, гиперхром ядроларга эга хужайра ўчоқлари учрайди. Тутамли соҳада дисциркулятор ва дистрофик ўзгаришлар янада кучли бўлиб, адренокортикоцитларнинг кўп қисми чўзилган трабекулалар кўринишида ўз типик тузилишини йўқотади (7, 8-расмлар). Шунингдек, балкалароро бўшлиқнинг кенгайиши билан ўчоқли шиш кўринишида кузатилади, адренокортикоцитлар ўз тузилмаларини сақлаб қолади, цитоплазмада эса вакуоляр тузилмалар аниқланмайди. Улардан айримларининг ҳам цитоплазма, ҳам ядро тузилмалари фаол регенератив ўзгарган ҳолатида кузатилади (8-расм).




7-расм. Тутамли зона, интерстициянинг ўчоқли шиши, адренокортикоцитларнинг тутамли жойлашуви. Бўёқ: Г-Э. Х: 10х20.



8-расм. Тутамли зона, адренокортикоцитларнинг деструктив ўзгариши кўринишидаги хужайраларнинг сийраклашиши ва шиши. Бўёқ: Г-Э. Х: 10х40.

Мағиз қисмида интерстициянинг кўринарли дисциркулятор, дистрофик ва бўкишли ўзгаришлари, ўчоқли шиши ва қон қуйилиши кўринишида намоён бўлади. Мағиз қатламининг хужайралари томонидан ушбу хужайраларнинг фаоллиги ва гиперплазияси уларнинг пролифератив ўчоқлар шаклланиши билан қайд этилди (9-расм).




9-расм. Пўстлоқ қавати тутамли зонасида адренокортикоцитларнинг кучли деструкцияси. Бўёқ: Г-Э. Х: 10х40.


Диссертация ишининг «**Асфиксияларда буйрак усти безининг морфологик ўзгаришлари**» деб номланган бешинчи боби буйрак усти безининг пўстлоқ қисмида кескин тўлақонлик белгиларини намоён бўлиши билан тавсифланади. Булар морфологик жихатдан, пўстлоқ қисмининг коптокчали ва тутамли соҳалари чегаралининг ноаниқ кўринишга келиши, тутамли қисмида липидли киритмалар ўрнида вакуол цитоплазмали ва фаол секретор киритмалар кескин камайган хужайраларнинг юзага келиши билан кузатилади. Коптокчали соҳасида адренокортикоцитларда липидли киритмаларни кескин кўпайиши, оралик шишларнинг шаклланиши ва томирларида рельефининг яққол тасвирланиши ва тўлақонлик белгилари, томир ичида эритростаз белгиларининг бўлиши билан характерланади (10-расм).

Адренокортикоцитларда липидли киритмаларни чангсимон ва ўрта томчили кўринишида бўлиши, базофил фаол секретларини қон плазмасига йўналтирилганлиги, бўшлиқлар ўрнида ёғли киритмаларнинг бўлиши, тез ўлимга хос бўлган морфологик белгилардан бири ҳисобланади. Айни дамда, асфиксияларда буйрак усти безининг пўстлоқ ва мағиз қаватларида тўлақонлик белгилари бир хил намоён бўлиб, фаол секретор киритмалардан маҳрум бўлган хужайраларда массив некроз жараёни юзага келиб, буйрак усти бузининг пўстлоқ ва мағиз қаватлари илвиллаган ва қон қуйилган ўчоқлар кўринишида намоён бўлади.

Айнан, асфиксияларда тутамли қаватнинг морфофункционал фаоллиги, цитоплазмасида, липидли киритмаларнинг майда томчи кўринишида тўпланиши, перицеллюляр томирларнинг кескин тўлақонлиги, фокусда мултифокал некроз ўчоқларининг юзага келганлиги билан тавсифланади (11-расм).



10-расм. Асфиксия. Барча қаватларда кичик ўлчамли тўлақонлик белгилари яққол тасвирланган. Тутамли ва тўрсимон қаватлар чегараси ноаниқ. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 4x10.



11-расм. Асфиксия. Пўстлоқ қаватда массив тўлақонли ва оралиқ шишлар шаклланган (1). Пўстлоқ қавати барча соҳаларида тўлақонлик сабабли, плазматик бўкиш ривожланган. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 4x10.

Тутамли ва тўрсимон қаватлар чегарасининг ноаниқлиги, кескин тўлақонлик фонида, ҳужайраларнинг бир хил катталиқда кўриниши билан тушунтирилади. Кенгайган томирлар орқали эритроцитларнинг сизиб чиқиши натижасида мултифокал диapedез қон қуйилиш ўчоқлари аниқланди. Оралиқ шишларнинг кескин ривожланиши некроз ўчоқларини юзага келишини стимуллаши натижасида, ядросиз ҳужайрали детрит ўчоқлар аниқланади (12-расм).


Натижада, механик асфиксияда буйрак усти беzi пўстлоқ қаватида аксарият, тўлақонлик белгиларининг юзага келиши, пўстлоқ қаватнинг барча соҳаларида, бир хил кўринишдаги плазматик бўкиш, сийрак толали бириктирувчи тўқиманинг толасизланиши кўринишда намоён бўлгани аниқланди. Аксарият ҳужайралар ядроларининг гиперхром бўлиши, цитоплазмада суданофил киритмаларнинг кўпайиши, коптокчали соҳасидаги ҳужайраларда базофил киритмаларнинг камайганлиги билан намоён бўлди.

Турли патологиялар (ЮИК, БМЖ ва асфиксия) ва назорат гуруҳида буйрак усти беzi қаватлари ҳужайраларининг ўртача морфометрик кўрсаткичлари 1-2 жадвалларда келтирилган.


ЮИК: Буйрак усти безининг барча қаватларида ҳужайра катталашиши қайд этилди. Бу ҳолат кардиоваскуляр стресс синдроми билан боғлиқ.

БМЖ: Кўрсаткичлар асосан пасайиб, дистрофик ва некротик ўзгаришлар устуворлиги кўрсатилди.

Асфиксия: Асосан тўрсимон ва мағиз қаватларда кўрсаткичнинг катта ўсиши қайд этилди. Бу симпато-адренал тизим гиперфаоллиги ва кучли морфофункционал стресс жавоби билан тавсифланади.



12-расм. Асфиксия. Буйрак усти беи пўстлоқ ва мағиз қаватлари. Тўрсимон соҳаси ва мағиз қавати оралиғидаги сийрак толали бириктирувчи тўқимада плазматик бўкиш, мағиз қавати хроммафин хужайралар оралиғида интерстициал шиш ва некроз ўчоқлари аниқланади (1), эътиборли жихати, пўстлоқ ва мағиз қаватлар оралиғида томирлар проекцияси яққол тўлақонлик кўринишида тасвирланган (2). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 20х10.



13-расм. Буйрак усти беи. Пўстлоқ қават коптокчали соҳаси диаметрлари ўлчанган. NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/ HAMAMATSU PHOTONICS /431-3196 JAPAN) Hamamatsu тиббий ускунасида сканер қилинди. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 10х10.

1-жадвал

Буйрак усти беи гистологик қаватларининг морфометрик кўрсаткичлари мкм да келтирилган ($X \pm m$)

Гурухлар	Коптокчали зонаси	Тутамли соҳаси	Тўрсимон соҳаси	Мағиз қавати	P≤
Назорат гурухи	104,38±1,07	662,1±6,4	119,68±3,21	148,6±5,98	0,01
ЮИК	121,48±0,84*	706,25±5,33	198,32±4,51*	168,24±2,21*	0,01
БМЖ	102,9±0,32*	637,15±4,16	151,8±2,42*	101,94±3,72	0,01
Асфиксия	98,21±1,02*	680,81±2,36	231,23±3,01*	181,36±3,92*	0,01

Изоҳ: * - кузатувларнинг аҳамиятлилики даражаси $P \leq 0,01$ ни ташқил қилади

Бош мия жароҳати, асфиксия ва юрак ишемик касаллиги ҳолатларидаги буйрак усти безининг морфометрик текшириш натижалари қуйида гистологик препаратларда ўз аксини топган.

Гистопрепаратда коптокчали зона хужайралари турли диаметрларда бўлиб, улар ўлчовлар билан белгилаб қўйилган (μm). Коптокчали зона хужайралари одатда майда, зич цитоплазмали ва тўқ ядроларга эга. Улар диаметри жиҳатидан анча турлича бўлиб, баъзи хужайралар ўртача 20-35 μm , айрим каттароқлари эса 40-45 μm га етади. Ядролар шакли асосан думалоқ ёки овал, хроматини зич жойлашган (13-расм).

**Буйрак усти беи пўстлоқ қавати қон томирларининг диаметри
мкм ларда**


Гурухлар	Коптокчали сохаси	Тутамли сохаси	Тўрсимон сохаси	Мағиз қавати	P≤
Назорат гурухи	16,77±1,16	15,81±0,79	13,01±0,35	55,75±9,51	0,01
ЮИК	17,9±1,01*	12,03±0,16	8,87±0,01*	23,26±5,65*	0,01
БМЖ	18,99±1,03*	28,36±1,72*	18,01±1,02*	58,16±7,62*	0,01
